



## ЖАҲОН КЕЗГАН РУБОИЙЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ (Умар Ҳаййём рубоийлари хусусида)

*Нодира Тўхтасинова*

ЎзДЖТУ 2-босқич талабаси

Илмий раҳбар: Б. Холбекова

**Аннотация:** Уибу мақолада буюк математик, шарқ шеъриятининг ёрқин юлдози Умар Ҳаййём рубоийларининг турли тиллардаги нашрлари ва таржималари ҳақида сўз боради, таржималарга баҳоли қудрат фикр-мулоҳазалар билдирилади.

**Калим сўзлар:** Умар Ҳаййём, рубоий, таржима, таржимон, маънозамзун.

Умар Ҳайём ўзининг шеърий асарлари – рубоийлари билан бутун оламни забт этди, десак муболаға бўлмайди. У ўз рубоийларида ҳам илмий-фалсафий асарларида бўлганидек, олам сирлари, ҳаёт ҳақиқатини излайди, бу борадаги фикр-ўйларини ажойиб шеърий образларга ўраб, мўъжизакор тўртликларда ифодалаб беради. Эрон олими Мужтабоҳ Минавиййининг “Умар Ҳайём ҳақида ҳақиқий тадқиқотлар” китобидаги маълумотларга қараганда, факат 1929 йилгача Европа ва Америкада шоир Умар Ҳайём ҳақида ёзилган китоблар ва мақолалар сони 1500 дан ошиб кетган. Саид Насафий эса шундай ёзади: “Менинг ҳисобимча, Ҳайём рубоийлари 32 марта инглиз тилига, 16 марта француз тилига, 11 марта урду тилига, 12 марта немис тилига, 8 марта арабчага, 5 марта итальян, 4 марта туркийга, 8 марта русчага, 2 марта данияликлар тилига ва бошқа тилларга таржима қилиниб чоп этилган. Эдвард Фицжеральднинг инглизча таржимасининг ўзигина 1825 йилгача 139 марта чоп этилган”. Бу ҳали 1930 йиларгача бўлган давр маълумотлари. Ундан кейинги йилларда ҳам Ҳайём ижодига қизиқиши асло сўнганий йўқ. Тадқиқотчилар унинг 300 га яқин рубоийсини аниқлаганлар. 1959 йили қатор рубоийлари Москвада таржима қилиниб чоп этилди. Жумладан, шоирнинг 35 та рубоийси моҳир рус таржимони Лев Минаевич Пеньковскийнинг 1959 йили Москвада “Советский писатель” нашриётида чоп этилган танланган таржималар тўпламида дунё юзини кўрди.

Умар Ҳайём рубоийларининг ғоявий-бадиий афзалликлари, шу жанр тараққиётида тутган ўрни масалалари проф.Ш.Шомуҳамедов асарларида, жумладан, “Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм” номли монографиясида чукур таҳлил этилган. Олим қайд қилганидек, рубоийчиликда Умар Ҳайём шундай юксак маҳорат касб этди, ҳеч бир ҳалқнинг адабиёти тарихида бу соҳада шу даражага кўтарилиган шоир топилмайди, дейиш мумкин. Унинг ҳар бир рубоийси бир ҳикмат, афоризмдир”<sup>23</sup>. Чиндан ҳам унинг ижоди билан бу кўхна жанрнинг мавзу дираси кенгайди, мақсад ва аҳамияти янада

<sup>23</sup> . Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. Т.: Фан, 1968, 79-б.



кўтарили. Хайём рубоийларида кишилик тафаккурининг ҳамма қирралари қанот ёзди, энг ҳаётий, умумбашарий фикрлар ифодаланди.

Унинг рубоийларида хўroz, булбул каби паррандаларгина эмас, ҳатто кулол тепиб пишитаётган лой ҳам тилга кириб: “Хой секинроқ теп / мен ҳам кулол эдим сендеқ, биродар!”, дейди. Яна бир рубоийда эса лой эмас, синган кўза тилга киради. Мана ўша рубоий:

Мастдим, тошга урдим кўзамни бир кун,  
Ул кўнгил тилидан чиқорди бир ун:  
“Мен ҳам сендеқ эдим, сен ҳам охири –  
Бўлурсан менингдек – ранжитмоқ нечун?”

Шеърнинг маъно-мазмуни аниқ, ҳеч қайси мисрада мажозийлик йўқ. Шунинг учун уларни таржима қилишда ҳам қийинчилик бўлмаслиги керак. Аммо таржимонлар баъзида қаламларига эрк бериб, хаёлотига қанот баҳшида этиб юборадилар. Оқибатда таржимага аслиятда йўқ нарсалар кириб қолади. Юқоридаги рубоийнинг русчаси билан қиёслаймиз:

Я об камень ударил кувшин обливной  
И терзаюсь с тех пор своей пьяной виной.  
Ибо помню, кувшин прошептал потаённо,  
“Пощади! Мы с тобою из глины одной!».

Таржима мазмуни: “Мен сирланган кўзани тошга уриб олдим, ана шундан бери ўша пайтда ўзимнинг маст ҳолатида эканлигимни кечира олмай қийналаман, чунки кўзанинг бошқалар эшитиб қолмасин деб: “Рахм қил! Ахир икковимизнинг ҳам лойимиз битта-ку”, деб пичирлагани ёдимда. Аслий матндаги “Мен ҳам илгари сендақа эдим, охир-оқибат сен ҳам мендақа бўласан, яъни сени ҳам синдиришлари мумкин, шунинг учун мени ҳафа қилма, ранжитма” деган ахборот таржимада ўзгача ва белгилаб кўрсатилган сўзлар таржимон томонидан қўшилган.

Шу рубоийнинг инглиз тилидаги варианти:  
So while the Vessels one by one were speaking,  
The little Moon Look’l in that all were seeking:  
And they jogg’d each other: “Brother! Brother!  
“Now for the Porter’s shoulder-knot a-breaking!”

Худди шу кулолчилик мавзусидаги рубоийлар – уни рус тилида гончарный цикл дейишади – Умар Хайём фалсафаси ва унинг шеъриятининг асосий магзини ташкил этади. Улар бошқа тилларга қилинган таржималарда ҳам хайёмана таъсирчан ва ифодалилиги билан китобхонни ўзига жалб қиласи. Масалан, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги таржималарни кузатамиз:

Кулол дўконига кирдим, кўзагар, –  
Лой ишлар, кўрсатиб ажойиб ҳунар.  
Ҳеч ким кўрмаганни мен кўриб қолдим:  
Ота бобом лойин қўлида эзар.  
Николай Стрижков таржимаси:  
Видел я, как гончар изощрялся вчера,  
Глину мял – и горшков вырастала гора.



Вдруг пронзило мне сердце жестокой догадкой:

Прах отцов, а не глина в руках гончара.

Лев Пеньковский таржимаси:

Я в мастерскую гончара опять забрел вчера –  
Творит из глины чудеса в гончарнях мастера!  
Слепец не видел бы, но я так явственно увидел  
Умерших предков мокрый прах в руках у гончара.

Э.Фицджеральд таржимаси:

As under cover of departing Day  
Slunk hunger-stricken Ramazan away,  
Once more within the Potter's house alone  
I stood, surrounded by the Shapes of Clay.

Бир рубоийнинг тўрт таржимаси. Маъно-мазмун жиҳатидан уларнинг ҳар бири аслий матнга турдошдай. Лекин дикқат билан қиёслаб чиқилса, улар ўртасида тафовут аниқ кўзга ташланиб қолади. Аслиятда ҳикоя қилинишича, лирик қаҳрамон кулол ишхонасига кириб қолади. Қараса, уста моҳирона лойга ишлов бериб қўза ясаяпти. Кўрдию, юраги жиз этгандай бўлди, чунки, кулол тупроққа айланган ота-боболарини эзгилар эди.

Стрижковга кўра, шоир кеча (буғун эмас) кулол устахонасига кириб, уни зўр маҳорат билан лойга ишлов бераётганини кўради. Устахонада ясалган кўзалар уюми турарди. Уларни кўрди-ю, миясига аччиқ бир ҳақиқат келди: бу лой шунчаки лой эмас, ота-боболарининг тупроққа айланган жисми эди.

Лев Пеньковскийда-чи? Кеча мен яна кулолнинг ишхонасига кириб қолдим, Қарасам, уста лойдан мўъжиза яратяпти. Буни фақат сўқир одамгина кўрмаслиги мумкин, мен эса кулолнинг қўлларида ўтиб кетган аждодларнинг намиқкан ҳокини аниқ кўрдим.

Инглизча матн тўмтоқроқ: шоир кечга яқин, оқшом маҳали Рамазон ойи рўзасида очиқкан ҳолда кулолнинг уйларидан бири олдида лойдан ясалган нарсаларнинг орасида турар эдим. Таржимон ўзидан рамазон ойи ва шу ойда тутиладиган рўза пайтидаги нафсни тийиб очликка чидашликтининг имплицит – пинхоний ифодасини қўшган. Бу ерда яна рўза туфайли қандайдир чала жон нарса.

Кўриб турганимиздек, уларнинг ичida Лев Пеньковскийнинг таржимаси матн руҳини бера олади. Унда Стрижковнидай кўзалар уюми ҳам йўқ. Стрижков қулол қўлида, аслиятдагидай, лой (глина) эмас, хоклиги таъкид билан ифодаланяпти. Пеньковскийда ҳам шунга ишора бор.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек таржима мактаби бой тажрибага эга. Шу мактабнинг етук вакили Шоислом Шомуҳамедов Умар Хайёмнинг ҳар қандай ҳоргинликни енга оладиган рубоийларини форс тилидан ўзбекчага маҳорат билан ўтирган ва у амалга оширган таржималар халқимиз қалбидан ҳамон жой олиб келмоқда. Унинг таржималарида Умар Хайём рубоийларига хос услугуб, оҳанг, шакл ва мазмун деярли тўлалигича қайта акс этган.



### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Монтгомери Уотт У. Влияние ислама на средневековую Европу. – М., – 1976, с.65.
2. Алишер Навоий, Мезон ул-авзон. //Асарлар. 15 томлик. 14-том. Т.: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1967, 157-бет.
3. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Т.: Фан, 1961, 59-60-б.
4. Брагинский И.С. Очрки из истории таджикской литературы. Душанбе, 1956, с.81.
5. Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. Т.: Фан, 1968, 79-б.
6. Жўраев К. Таржима санъати. Т.: Фан. 1982, 20-б.
7. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? Т.: Шарқ, 2001, – 31-б